4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларини бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий судларда кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 23 февралга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугагандан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 23 февралга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| **ОПЕРАТОР:**<br>**“Ўзбектелеком” АК**<br>**Навоий филиали** | **АБОНЕНТ:**<br>**“ Конимех туман Санитария – эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ”** |
| --- | --- |
| Манзил: Меъморлар 17А_<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 2021 0000 4040 7483 8382_;<br>СТИР:203366731;<br>МФО:_00401; АТБ "Алокабанк"<br>Тел:_792240212_;<br>E-mail: b2b@uztelecom.uz_; | Манзил: Бирлик МФЙ Абай кўчаси 14 уй<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 100022860122117074110054001;<br>СТИР: 200012873;<br>МФО: 00014; Банк номи:Марказийбанк Тошкент ш ХККМ;<br>Тел:+99879-512-12-59<br>E-mail: ; |
| **Оператор номидан:** ________ **Ф.И.Ш.**<br>(имзо)<br>М.Ў. | **Абонент номидан:** ________ **И.И.Сатторов**<br>**Ф.И.Ш.**<br>(имзо)<br>М.Ў. |

2022 -йил “05”январ
NET3149/436–сонли абонент шартномасига
1-илова

**1. Хизматлар рўйхативахизматларучунтарифлар**

**Ўлчов бирлиги –Миллий валюта(сўм)**

| т/р | Хизматларноми | ҚҚСбиланнархи (миқдори) | Асос | Миқдори | 15% ҚҚСбиланТўлов миқдори |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| **I. Единовременные (разовые) платежи** | | | | | |
| **II. Ежемесячные платежи** | | | | | |
| | Corporate-1 тариф режаси бўйича 4 Мб/с тезлигида UZ-IXvaTAS-IX Миллиймаълумотларузатиш тармоғигакириш, Интернеттармоғигауланишштезлиги, 19:00 дан 00:00 гача 1 Мбит/с Интернеттармоғигауланишштезлиги, 00:00 дан 19:00 гача 4 Мбит/с | 240000 | Нархнома | 1 | 240 000 |
| 2.1 | Абонент тўлови VPN | 130000 | Нархнома | 1 | 130 000 |
| | Жами (олдиндантўлов) | | | | **370 000** |

Жами олдиндан тўлов миқдори 370 000 (уч юз етмиш минг) сум, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 1 110 000 ( бир миллион бир юз ўн минг ) сўмни ташкил этади. Ундан 370 000 (уч юз етмиш минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда 0 (нол) сўм бир маротабалик уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

**ОПЕРАТОР:**
**“Ўзбектелеком” АК**
**Навоий филиали**

**Оператор номидан:**

Директор ______________ Ж.К.Джураев
Имзо
М.Ў.

**АБОНЕНТ:**
**Конимех туман Санитария – эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими**

**Абонент номидан:**

______________ **И.И.Сатторов**
Имзо
М.Ў.